



TRADE RELATIONS BETWEEN THE EMIRATE OF BUKHARA AND INDIA IN THE SECOND HALF OF THE 19TH CENTURY - THE BEGINNING OF THE 20TH CENTURY

Nozimjon Ikhtiyorovich Ibrokhimov

Researcher

Bukhara State Pedagogical Institute

Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Bukhara, India, emirate, Samarkand, Karshi, Termiz, Sherabad, Peshawar, Shikarpur, Molton, China, trade, products, markets, merchants, artisans.

Received: 03.11.23

Accepted: 05.11.23

Published: 07.11.23

Abstract: This article is devoted to the study of the history of the trade relations of the Emirate of Bukhara with India in the second half of the 19th century - the beginning of the 20th century, as well as the products exported from Bukhara to India and from India to Bukhara, as well as the development of trade relations between the two countries over the years. The trade relations between the cities of Bukhara, Samarkand, Karshi, Termiz and Sherabad with the trade centers of Peshawar, Shikarpur and Molton of India were studied.

XIX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ ВА ҲИНДИСТОН ЎРТАСИДАГИ САВДО АЛОҚАЛАР

Нозимжон Ихтиёрлович Иброҳимов

Тадқиқотчи

Бухоро давлат педагогика институти

Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Бухоро, Ҳиндистон, амирлик, Самарқанд, Қарши, Термиз, Шеробод, Пешовор, Шикарпур, Мўлтон, Хитой, савдо, маҳсулотлар, бозорлар, савдогарлар, хунармандлар.

Аннотация: Ушбу мақола XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан олиб борган савдо алоқаларининг тарихини ўрганишга бағишланган, шунингдек, Бухородан-Ҳиндистонга, Ҳиндистондан Бухорога олиб чиқилган маҳсулотлар, ҳамда икки давлат ўртасида савдо-сотик алоқаларининг йиллар давомида ривожланиб бориши. Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз ва Шеробод шаҳарлари

Ҳиндистоннинг Пешовор, Шикарпур ва Мўлтон савдо марказлари билан олиб борган савдо алоқалари ўрганилган.

ТОРГОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА С ИНДИЕЙ ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX - НАЧАЛЕ XX ВЕКА

Нозимжон Ихтиёрович Иброхимов

Исследователь

Бухарский государственный педагогический институт

Бухара, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Бухара, Индия, эмират, Самарканд, Карши, Термез, Шерабад, Пешавар, Шикарпур, Молтон, Китай, торговля, продукты, рынки, купцы, ремесленники.

Аннотация: Данная статья посвящена изучению истории торговых связей Бухарского эмирата с Индией во второй половине XIX - начале XX века, а также продукции, вывозимой из Бухары в Индию и из Индии в Бухару, а также развитие торговых отношений между двумя странами на протяжении многих лет. Изучены торговые связи городов Бухары, Самарканда, Карши, Термеза и Шерабада с торговыми центрами Индии Пешаваром, Шикарпуром и Молтоном.

КИРИШ

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларига келиб Бухоро билан Ҳиндистон ўртасида олиб борилган савдо алоқалар изчил давом этиб келган. Амирликнинг Бухоро, Самарканд, Қарши, Термиз ва Шеробод шаҳарлари Ҳиндистоннинг Пешовор, Шикарпур, Мўлтон ва бошқа савдо марказлари билан савдо алоқаларни олиб бориш йилдан йилга тараққий этиб борди.

Икки мамлакат ўртасида олиб борилган савдо алоқаларда карвон йўлларининг ўрни муҳим саналган. Масалан, савдо ишларини олиб боришда Пешовор орқали ўтувчи йўлнинг ўрни ҳам муҳим бўлган. Пешовордан йўлга чиққан карвон Хайбар доғони орқали 3 кун йўл босиб Жалолободга келган, у ердан эса Қобулга етиб келган. Қобул билан Бомийён ўртасидаги бўлган масофа 16 кунлик йўл бўлиб асосан тоғли худудлардан иборат бўлган, бу йўл Саричашмагача олиб келган. У ерда савдогарлар савдо божларини тўлаб йўлларини давом этирган. Бомийёндан Балхгача 2 кун, Балхдан Каркигача 7-9 кун йўл юриб амирлик шаҳарларига кириб келишган[1].

АСОСИЙ ҚИСМ

Амирлик ва қўшни хонликлар бозорларида Ҳиндистондан келтирилган кашмир шалисига ихтиёж катта бўлиб нархи анча қиммат бўлган. Е.К.Мейндорф берган маълумотга кўра, Кашмирда йилига 30 минг донагача шали тўқийдиган дастгоҳлар бўлиб, бу

дастгоҳларда ҳар йили 100 минг донагача шали тўқилган. Кашмирдан эса йилига 20 минг дона шали Қобулга олиб келиниб, шундан 3 минг донаси Бухорога келтирилган. Шундан 2 минг донасини Бухоролик савдогарлар Россия шаҳарларидаги бозорларда юқори нархларда сотиб яхши фойда олгани маълум [2].

Бухоро – Ҳиндистон ўртасидаги савдо ишлари XIX асрнинг 2-ярмига келиб XV-XVI асрларда бўлгани каби ривожланиб борди. Амир Саййид Абдулаҳадхон ва Амир Олимхонлар ҳукмронлиги даврига келиб буюк ипак йўлининг айрим тармоқларида савдо ва дипломатик муносабатлар қайта жонланади. Бу пайтга келиб Буюк Британия мустамлакаси бўлган Ҳиндистон Шарқ мамлакатлари билан савдо алоқаларида ўрни муҳим бўлганлиги сабабли халқаро савдога ўз маҳсулотлари билан бир қаторда инглиз маҳсулотларини ҳам олиб киришган. Шу сабабли Ҳинд савдогарлари Ўрта Осиё хонликлари ва амирлик бозорларида фаол савдо ишларни олиб боришган. Ўрта Осиёда Россия ва Англиянинг имперячилик манфаатларининг тўқнашуви оқибатида Бухоро – Ҳинд савдогарларининг узоқ замонлардан буён давом этиб келаётган эркин савдо алоқаларини чигаллаштириб юборди. Лекин бу муаммолар Бухоро – Ҳинд савдосига жиддий тўсқинлик қилаолмади. Масалан, амирликда хорижий савдогарларга эркин савдо қилиш ва уларнинг эркин яшаш ҳуқуқи ҳам берилган. Шунингдек, бошқа диндагиларни камситмаслик, ўзлари хоҳлаган пайтда ўз ватанларига қайтиб кетиш кафолатлари ҳам берилган. Лекин улар мусулмон – суннийларга қараганда икки баравар кўп бож тўлашганлиги тўғрисида маълумотлар ҳам фикримизни тасдиқлайди[3].

Ҳиндистон савдогарлари Ўрта Осиё хонликларида бўлгани каби Бухоро амирлиги бозорларида ҳам судхўрлик билан шуғилланишган. 1863-1864 йилларда арман савдогари қиёфасида Бухоро ва Хивага ташриф буюрган Ҳерман Вамберининг ҳинд савдогарлари тўғрисида берган маълумотида “Вишнуга сиғинувчи, Туркиядаги арманлар каби савдо билан шуғилланувчи 500 нафарга яқин ҳинд савдогарлари Бухоро шаҳридаги карвонсаройларда яшаб саррофлик ва судхўрлик билан шуғулланиши, шунингдек, бозорлардаги маҳсулот айрибошлаш савдоси ва пул айланмаси уларнинг қўлида бўлганлиги” таъкидланган [4].

Бухорога келган ҳинд фуқаролари асосан Ҳиндистоннинг Пешовар, Шикарпура, Панжоб, Лахор, Мултан, Харипур, Лудхиана, шунингдек, Кашмир, Деҳли, Оллоҳобод ва бошқа ҳудудларидан келган бўлиб уларнинг сони борасидаги маълумотлар манбаларда турлича келтирилган. Жумладан, XIX асрнинг 30-йилларида ташриф буюрган инглиз сийёсий агенти А.Бёрнс XIX асрда Бухорода 300 га яқин Шикарпурлик ҳиндлар истиқомат қилишини ёзади. Даниялик географ Оле Олуфсен эса Бухоро амирлигида ҳинд савдогарларининг сони бир неча юзлардан ортиқроқ бўлганлигини қайд қилган[5].

Рус шарқшуносларидан бири ҳисобланган О.А.Сухарева XX асрнинг 60-80йилларида “Бухорога Шакарпурра, Синд ва Панжобдан келган ҳиндистонликларнинг сони икки мингтадан ортиқ бўлганлигини ёзади [6]. Бизнинг фикримизча, О.А.Сухареванинг маълумоти ҳақиқатга яқинроқ ҳисобланади. Савдо билан шуғилланувчи ҳинд эркакларининг сони оила аъзолари билан бирга қўшиб ҳисоблаганда икки мингтадан ҳам ортиқ бўлган. Бухоро шаҳридан ташқари ҳинд фуқаролари ва савдогарлари Ўрта Осиёнинг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларидаги карвонсаройларда ҳам фаолият олиб боришган. Шунингдек, ҳинд фуқаролари Бухоро амирлигида Эски Бухоро, Қарши, Зиёвуддин, Ҳисор, Денов ва бошқа бекликларида ҳам истиқомат қилишган.

Бухоро шаҳрида ҳиндларга тегишли учта карвонсаройи бўлиб, улар Саройи Қарши, Саройи Ҳинди ва Саройи Султон номлари билан маҳур бўлиб, улар яшаган маҳалла “ҳиндлар маҳалласи” деб аталган. 1866 йил мобайнида Ҳиндистондан Бухорога 6500 туяда [7], 1869 йилда эса 6560 туяда [8] турли савдо моллари келтирилган. Бу савдо молларининг ичида чой асосий ўринни эгаллаган. Ўрта Осиё хонликлари Россия империяси таркибига киритилгандан сўнг ҳинд маҳсулотларини Туркустон ўлкаси бозорларига олиб киришни чеклай бошлади. 1868 йилга келиб инглиз – ҳинд молларининг Ўрта Осиё бозорларида кўпайиб кетганлиги учун рус ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлиги ҳудудига Европадан келтирилган савдо молларининг киритилишини таъқиқлаб қўяди[9]. Бу тақим Бухоро амирлигига тегишли эмаслиги сабаб инглиз-ҳинд моллари амирлик ҳудудига эркин олиб келинган. Бунинг натижасида Бухоронинг Ўрта Осиё савдосида нуфузи ортиб кетди. Бухоро – Ҳиндистон савдосида чой асосий ўринлардан бирини эгаллаган. Рус савдогари Николай Иванов Кауфманга берган ҳисоботида Бухоронинг ўзига ҳар йили 84 минг пуддан ошиқ чой келтирилганини ёзади[10]. Бухорода Ҳиндистондан олиб келинган чойлар Бухородаги 6 та карвонсаройга жойлаштирилганлиги тўғрисида маълумотлар мажуд. “Саройи Абдурашид” бир йилда 3 минг, “Саройи Мирзагул” 1500, “Саройи Бадриддин” эса 1200 туя чойни қабул қилган[11].

Бу карвонсаройлар ҳукумат ҳисобида бўлган ва мутавалли ҳар ой келиб хужралар сонига қараб 5-10 тангадан солиқ олиб турган. Абдурауф Фитрат ўз асарида ҳиндларнинг Лаби-Ҳовуз атрофида Девонбеги карвонсаройига яқин ҳовлиларда яшаганлигини келтирган. Уларнинг уйлари пастак ҳамда оддий маҳаллий аҳолиникидан унча фарқ қилмаганлигини таъкидланган [12]. Бухоро шаҳрида ҳиндларга тегишли учта карвонсаройнинг ҳар бирида 100 дан 150 нафаргача ҳинд савдогарлари яшаб судхўрлик билан шуғилланишган. Бухоро амири уларга ҳукуматдан бир вакилни маъмур қилиб қўйган бўлиб, у “ҳиндилар ясовули” дейилган. Ҳиндилар ясовули ҳиндиларга назорат қилишдан ташқари, амирликнинг бошқа конфессиялари орасидаги жосусларига ҳам бошчилик

қиларди. Ясовул ҳиндиларга нисбатан биринчи навбатда бош назоратчилик вазифасини бажарар, ҳиндилар қанча пул топганини ва кимларга қанча қарз берганини билиб турарди [13].

Амирликнинг Россия империяси таркибига киритилиши Бухоро –Ҳиндистон савдо алоқаларига ўзининг таъсирини ўтказа бошлади. Нтижада икки мамлакат ўртасида олиб борилган савдо ишларига бир қанча тўсиқ ва муаммоларни келтириб чиқарди. Россия ҳукумати Бухоро – Ҳиндистон савдосига қанчалик тўсиқлар қўймасин барибир буни тўлиқ тўхтатиб қаломади. Д.Н.Логофет Бухоро амирлигида олиб борилган савдо-сотик тўғрисида берган маълумотларида XX аср бошларида “Ҳиндларнинг Бухорода мол айирбошлари биров қисқарганини ҳисобга олмаганда, Бухоро бозорини ўз қўлларига тутиб турганини ёзади” [14]. XIX асрнинг охири XX аср бошларига келиб, Бухоро – Ҳиндистон ўртасида олиб борилган савдо алоқалари сезиларли даражада қисқарган бўлсада, ўзора савдо ишлари батомом тўхтаб қолмади. Бухоро амирлигининг рус божхона тизими доирасига тортилиши унинг ташқи савдо алоқаларини олиб боришга салбий таъсир қилди. Амирликда рус божхона тизимининг жорий этилиши пешоворлик ва бомбейлик чойи савдоси билан шуғулланувчи ҳинд савдогарларининг савдосига жиддий таъсир қилди.

Архив ҳужжатларида берилган маълумотларга кўра Россия империяси томонидан Бухорога Шарқ мамлакатларидан олиб келинган савдо моллари ва чой савдосини издан чиқариш борасида чора-тадбирларини амалга оширмасин. Бухородаги чой савдосини рус савдогарлари тўлақонли равишда ўз қўлларида тутиб тура олмаганлигини кўришимиз мумкин. 1900 йил 20 мартда Бухородаги сиёсий рус агенти В.Игнатъевнинг Туркистон генерал-губернатори Ивановга “Бухоро амирлигида чой савдоси тўғрисида”ги берган маълумотномасида Бухоро амирлигига келтирилган чой 2 та афғон, Машҳаддаги 2-3 та форс фирмаларининг олиб келишини ҳисобга олмаганда асосан пешаворлик савдогарлар ҳисобига тўғри келганлиги баён қилинган [15].

Бухоро амирлигининг Шарқ мамлакатлари билан олиб борган савдо алоқаларини чеклаш амирликни Россиянинг ички бозорига айлантириш, осийлик савдогарларнинг Бухородаги мавқеини тушириш, ҳамда Бухородан инглиз-ҳинд молларини сиқиб чиқариш мақсадида 1894 йили 1 июлда амирлик ҳудуди ҳам Россия божхонаси доирасига киритади. Шундан сўнг амирлик ҳудудига киритишга рухсат этилган Европа ва ҳинд-инглиз молларидан нил бўёғи, қимматбаҳо тошлар, дока ва қанд учун ҳар пудига 25 рубль, кўк чой учун 14 рубль 40 тийин миқдорда бож белгиланган. Бухоро амирлиги божхона таркибига тортилганга қадар Бухорога Ҳиндистондан савдо молларини келтириш йилига ўртача ҳисобда 5 млн. рублни ташкил этган бўлса, Бухоро амирлигининг Россия божхона тизимига киритилгандан сўнг бу кўрсаткич 800 минг рублга қисқариб кетган [16]. Рус ҳукумати

Батуми транзит йўлини очиб Бухорони Кавказ орти темир йўли билан боғлагандан сўнг ҳам Пешовар чой фирмалари Бухорога чой олиб киришни тўхтатмади. Лекин Бухоро – Ҳиндистон савдо алоқаларини сезиларли даражада издан чиқарди. Бундан ташқари Ҳиндистондан Эрон орқали юрган карвонлар Бухорога келиш учун 42-45 кун йўл юришган ҳамда кўпроқ бож тўлашга мажбур бўлган. Бу омиллар ҳам Бухоро-ҳинд савдосининг бир оз сусайишига ўзининг салбий таъсирини ўтказган [17].

ХУЛОСА

Бухоро ва Ҳиндистон ўртасида олиб борилган савдо алоқалари узок тарихга бориб тақалиши ва бу ҳамкорлик даврлар ўтиши билан ривожланиб борганлиги икки давлат ўртасида сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик изчил давом етганини англатади. Бухорода хиндларнинг Карвонсаройлари ва маҳалларининг мавжудлиги, Бухоро - Ҳиндистон савдо муносабатларининг ривож топганлигини кўрсатади. Россия империясининг мустамлакачилик сиёсати Бухоро ва Ҳиндистон ўртасидаги илиқ муносабатларга салбий таъсир қилганлигини кўришимиз мумкин. Шунга қарамай, XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигининг Ҳиндистон билан савдо-иқтисодий, алоқалари давом этиб келди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ochildiyev, F. V. (2023). TRADE RELATIONS OF THE EMIRATE OF BUKHARA WITH INDIA IN THE 1960S AND 1980S. *Oriental Journal of Social Sciences*, 3(03), 78-89.
2. Ochildiyev, F. (2019). Trade relations between Bukhara and India in the second half of the 19th century and at the beginning of the 20th century. *Actual Problems of Applied Sciences Journal World*, (4), P. 14.
3. Валиева Д.В. Среднеазиатско – иранские отношения в первой половине XIX в. // Сборник «Взаимоотношения народов Средней Азии и сопредельных стран Востока в XVIII – нач. XX вв.». – Т., 1968. С.40.
4. Ражабова Д. Я. (History Of The Hindu Confession In Bukhara In The Second Half Of The Xix Century - Early Xx Century) Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2022 йил № 8). 34-44.
5. Ражабова Д. Я. (History Of The Hindu Confession In Bukhara In The Second Half Of The Xix Century - Early Xx Century) Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2022 йил № 8). 34-44.
6. Ражабова Д. Я. (History Of The Hindu Confession In Bukhara In The Second Half Of The Xix Century - Early Xx Century) Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2022 йил № 8). 34-44.
7. Туркестанский сборник. Том. 26, - С. 9.

8. Рожкова М.К. Экономические связи России со Средней Азии 40-60-е годы XIX века. – М.А.Н.СССР, - 1963. С. 98.
9. ЎзРМДА. 1-жамғарма, 20-рўйхат, 1394-иш, 8-варақ.
10. ЎзРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 151-иш, 11- варақ.
11. ЎзРМДА. 1-жамғарма, 11-рўйхат, 151-иш, 11- варақ.
12. Ражабова Д. Я. (History Of The Hindu Confession In Bukhara In The Second Half Of The Xix Century - Early Xx Century) Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2022 йил № 8). 34-44.
13. Ражабова Д. Я. (History Of The Hindu Confession In Bukhara In The Second Half Of The Xix Century - Early Xx Century) Таълим ва инновацион тадқиқотлар (2022 йил № 8). 34-44.
14. Логофет Д.Н. Бухарское ханство под русским протекторатом. – Т. Спб. 1911. –С. 181.
15. ЎзРМДА. 2-жамғарма, 1-рўйхат, 66-иш, 14-варақ.
16. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны.–Т.и1992. С. 18.
17. Fayzulla, O. (2020). The craftsmanship of the emirate of bukhara at the second half of the XIX century-the beginning of the xx century. *The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research*,2(11), 33-38.
18. Ochildiev, F. B. (2022, May). Foreign trade relations of the Bukhara emirate in the late XIX-early XX centuries. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 112-116).
19. Очилдиев, Ф. (2021). Деятельность российских фирм и банков в Бухарском эмирате конец XIX начало XX веков. *Общество и инновации*, 2(10/S), 421-429.
20. Очилдиев, Ф. Б. (2008). Сурхон воҳаси бекликларидаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар.*Т.: ABU MATBUOT-KONSALT*, 168.
21. Mukhamedov, Y. Q. (2022). CHACH ADMINISTRATIVE CENTER OF THE WESTERN TURKIC KHAGANATE. *American Journal Of Social Sciences And Humanity Research*, 2(05), 46-52.
22. Khaydarov, Z. B. (2023). TRADING CENTERS OF THE BUKHARA EMIRATE IN THE SECOND HALF OF THE 19TH AND EARLY 20TH CENTURIES. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 3(04), 1-9.
23. Mannonov, A. M., & Ochilov, B. E. (2013). Uzbekistan’s participation in the process of Renovation of the Silk Road. *Mayak Vostoka.–Т.: ToshDSHI*, (1-2), 43.
24. Karimov, N. (2022). Importance of studying and promoting oriental culture and heritage. *Oriental Journal of History, Politics and Law*, 2(03), 28-33.